O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 30 июнь, чоршанба • № 52 (11.135) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини йўлга қўйиш ва соддалаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус (республика, вилоят, шаҳар ва туман) комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига ҳокимиятларнинг, молия, солиқ ва юридик органларнинг, банк муассасаларининг, статистика, ички ишлар органларининг, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллари киритилсин.

Тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят, шаҳар, туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари махсус комиссиянинг раиси этиб белгилансин.

2. Тузилаётган ҳудудий махсус комиссиялар зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

«Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги 1652-сон Фармонининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда шакллантиришнинг охирги муддати ҳукуматнинг айрим қарорларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак»;

«Янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 20 мартдаги 2276-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 28 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

РЕСПУБЛИКА хўжаликларида бошоқли дон экинларининг юқори ҳосилли, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли истиқболли навларини оқилона жойлаштиришни, минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда бошоқли дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навлар бўйича жойлаштиришнинг ҳар йилги дастурлари ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошоқли дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навларга кўра жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича доимий ишловчи республика комиссияси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бошоқли дон экинлари уруғчилигини яхшилашга доир таклифларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш, уларни республика минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитларига мувофиқ навлар бўйича районлаштириш ва жойлаштириш асосланганлигини таҳлил қилиш;

ҳар бир минтақада кўпи билан 3-4 хил юқори ҳосилли, ётиб қолмайдиган, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлар экилишини назарда тутган ҳолда бошоқли дон экинлари навларини навларга кўра жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича доимий ишловчи республика комиссияси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бошоқли дон экинлари уруғчилигини яхшилашга доир таклифларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш, уларни республика минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитларига мувофиқ навлар бўйича районлаштириш ва жойлаштириш асосланганлигини таҳлил қилиш;

ҳар бир минтақада кўпи билан 3-4 хил юқори ҳосилли, ётиб қолмайдиган, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлар экилишини назарда тутган ҳолда бошоқли дон экинлари навларини республиканинг турли иқлимли ҳудудларида етиштириш учун танлаш;

республиканинг турли минтақаларига татбиқан янги серҳосил ва касалликларга чидамли навларни жадал яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида бошоқли дон экинларига доир селекция-уруғчилик ишларини олиб боришнинг замонавий технологиялари ва йўналишларини излаб топиш ҳамда жорий этиш;

республиканинг жанубий минтақалари, айниқса чўл ва яримчўл минтақалари учун навли уруғлар етиштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, идоравий бўйсунишидан қатъи назар, нав синаш участкаларининг фаолиятини таҳлил қилиш, селекционерлар ва уруғшуносларни рағбатлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

элита, биринчи ва кейинги репродукцияли уруғликка бўлган эҳтиёжни, шу жумладан лалми зона учун, уларни дон маҳсулотлари корхоналари, хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳажмини аниқлаш;

навларнинг ҳосилдорлигини ва бошқа сифат кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш ва навлар синови натижалари бўйича ахборот-таҳлил материалларини вақти-вақти билан нашр этиш ва жойларга етказиш.

3. Доимий ишловчи республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

уруғчилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ўрганишлар, зарурият бўлганда уларнинг сони ва жойлашишини дон экувчи хўжаликларнинг юқори сифатли уруғликларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин;

бошоқли экинлар уруғлиги тайёрлаб қўйилаётган дон маҳсулотлари корхоналари ишини таҳлил қилсин, уларни уруғлик материал тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни тозалаш, навларга ажратиш, дорилаш ва сақлашга ихтисослаштириш масалаларини кўриб чиқсин, бунда «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси тизимида республиканинг жанубий минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда улар учун бошоқли дон экинлари уруғлиги тайёрлаш корхонаси ташкил этишни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Давлат кимё комиссияси бошоқли дон экинлари ҳосилини касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш юзасидан тавсияларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар, уларда уруғликни тайёрлаб қўйиш, уларга ишлов бериш ва далаларни тайёрлашда, шунингдек бошоқли дон экинлари ўсиши даврида экинларни касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтлардан агротехник ва агрокимёвий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгиласинлар ҳамда доимий ишловчи республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Доимий ишловчи республика комиссияси ҳар йили бошоқли дон экинлари ҳосили йиғиштириб олингандан кейин 1 августгача республиканинг барча туманлари ва вилоятлари шароитида районлаштириладиган бошоқли дон экинларининг янги навлари синови натижаларини кенг муҳокама қилсин. Бошоқли дон экинлари навларини синаш якунлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг махсус йиллик «Ахборотнома» журналида эълон қилинсин.

6. Белгиланганки, доимий ишловчи республика комиссияси ҳар йили келгуси йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш масалалари юзасидан ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқади.

Комиссиянинг ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича топшириқлари республиканинг барча вазирликлари ва идоралари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Республика комиссияси 2000 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини бир ой муддатда киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — доимий ишловчи комиссия раиси Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 28 июнь.

ЯНГИ ТЕХНИКА КЎРИГИ

МАМЛАКАТИМИЗДА бу йилги ғалла ўримйиғими ҳал қилувчи паллага кирди. Шу муносабат билан бугунги қуннинг энг долзарб вазифаларидан бири ғалладан бўшаётган майдонларни пешма-пеш шудгорлаб, оралиқ ва такрорий экинлар учун сифатли тайёрлашдан иборатдир.

Хўш, бунинг учун айнан қайси техника воситаларидан фойдаланган маъқул? Бундай техникалар амалда етарлими? Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба хўжалигида ўтказилган республика кўргазмали машғулот-кенгашида шу ҳақда сўз борди. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзқишхўжтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси томонидан уюштирилган ушбу тадбирда «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси тизимига қарашли машинасозлик корхоналарида, шунингдек, ҳорижий фирмалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган 20 турга яқин қишлоқ хўжалик машина ва механизмлари намойиш этилди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу техника воситаларининг ҳаммаси экиндан бўшаган майдонларга экишга мослашган техника воситаларидир. Улар ёрдамида ғалла сомонини йиғиштириб олишдан тортиб, экишгача бўлган барча ишларни тўла амалга ошириш мумкин.

Машғулот-кенгашда республика Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов, вилоят ҳокими У.Мирзақулов иштирок этдилар.

СУРАТДА: машғулот-кенгаш иштирокчилари янги техникаларни кўздан кечирмоқдалар.

Р.НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ХОРИЖДА ДЎКОН ОЧДИЛАР

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ўз махсулотларини чет элларга экспорт қилаётган қатор саноат корхоналари ўзга мамлакатларда ўз дўконларини очмоқдалар. Бу воситачиларсиз махсулотларни сотиш ва қўшимча даромад олиш имконини бермоқда.

Шу йилнинг ўтган ойларида қатор шундай дўконлар барпо этилди ва улар «чет элдаги корхоналар» сифатида рўйхатдан ўтказилди. Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати Москвада ўз «Савдо уйи»ни ишга туширди. Бу ерда корхонада тайёрланаётган айрим маҳсулот турлари сотилмоқда. Янгийўлдаги «Лаззат» акциядорлик қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳридаги шундай фирма дўкони ҳам савдо қилишни бошлади.

Собир ҲАМИДОВ.

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ЯНГИЙЎЛ шаҳри

Вилоятимизнинг йирик саноат марказларидан бири бўлган Янгийўл ҳам кўҳна, ҳам навқирон шаҳар ҳисобланади. Унинг тарихи эрамизнинг биринчи асрларидан бошланади. Қадимда Қовунчи номи билан юритилган бу аҳоли манзили жуда кўп воқеа-ходисаларнинг гувоҳи бўлган. Унга 1924 йилда Янгийўл номи берилди.

Бугунги Янгийўл хўжалигининг барча тармоқлари ривожланган замонавий шаҳардир. Айниқса, унда мустақиллик йилларида катта ўзгаришлар юз берди. Етакчи тармоғи бўлган саноати тез суръатлар билан юксалмоқда. Барча корхоналар қайта қурилиб, замонавий технология ва унумли асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Шаҳар иқтисодиётига хорижий сармоялар тобора кенг жалб қилинмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ улар билан бирга барпо этилган қўшма корхоналар сони ўнтага етди. Хусусий тадбиркорлик кўлами ҳам кенгаймоқда.

Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ҳам ўз самараларини бермоқда. Аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалар йил сайин юксалмоқда. Шаҳар қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлиб бормоқда.

(Янгийўл шаҳри ҳақидаги батафсил мақолаларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

СУД ҲУКМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

1999 йилнинг 2 июнида Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва давлатимизнинг бошқа раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, Конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланувчи йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни бошланган эди.

28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари А.Полвонзода раислигида, Олий Суд судьялари Р.Акбаров ва К.Исаров таркибидаги суд ҳайъати суд мажлиси давомида судланувчилар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчиларнинг охирги сўзларини ва ишда тўпланган бошқа далилларни маслаҳатхонада ҳар томонлама таҳлил қилганлигини, судланувчиларнинг ҳар бирини Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан ҳақиқий содир этган жиноий ҳаракатларига асосан айбли деб топганлигини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддаси, яъни содир қилган жиноятлар мажмуи асосида ҳар қайси жиноят учун алоҳида жазо турларини белгилаб, шу белгиланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан судланувчиларга ўташ учун қуйидагича қатъий жазолар тайинланганлигини эълон қилди.

Судланувчилардан Козимбек Зокиров, Бахром Абдуллаев, Зикир Ҳасанов, Муҳаммад Абдурахмонов, Зоҳиджон Деҳқонов, Талъатбек Нуралиев ўлим жазосига ҳукм этилди.

Рустам Маматқулов, Дилшод Камолов, Шерзод Шеров, Ҳотамшер Назаров, Орифжон Алимов, Абдунаби Нишонбоев, Ҳусанбой Закиров, Нодирбек Умаровларнинг ҳар бири 20 йил муддатга, Оловуддин Болтаев 18 йил муддатга, Каримжон Узоков ва Аҳад Мамажонов 15 йил муддатга, Зайниддин Аскаров 11 йил муддатга, Фозилжон Аскаров, Нурали Йўлдошев, Қаҳрамон Ниёзмуҳамедов, Бахтиёр Турдиохуновларнинг ҳар бирига 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди. Суд уларга жазо тайинлашда Президентимиз ва халқимизни кечирими эканликларини ҳам назарда тутди.

Қонунларимиз инсон ҳуқуқларини, у ким бўлишидан қатъий назар, ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биринчи босқичда кўрилган ушбу иш бўйича чиқарилган ҳукмни ўқир экан, судланувчилар ҳукмдан норози бўлса, Олий Суднинг Раёсатига кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқукидан фойдаланишлари ҳамда авф этиш ва илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Вилоят ҳокимлигида

УЛУҒ БАЙРАМ КЕНГ НИШОНЛАНАДИ

ВИЛОЯТ ҳокимининг маҳсус қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги байрамини вилоят шаҳар ва туманларида кенг нишонлаш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

ВИЛОЯТ ҳокимининг қарорида мамлакат мустақиллигининг саккиз йиллиги байрамини катта тантана билан нишонлашга ўз вақтида ва ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, уни юксак ғоявий-бадиий савияда ўтказиш, истиқлол ғояларини вилоятнинг ҳар бир фуқароси онгига сингдириш ва айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш йўл-йўриқлари белгилаб берилди. Ўзбекистон халқининг ушбу энг азиз ва ардоқли байрамига тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг шу йил 5 майдаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда саккиз йилликка бағишланган тантаналарнинг бутун вилоят бўйлаб кенг нишонланиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ташкилий қўмитаси тузилди ва таркиби тасдиқланди.

Ташкилий қўмита мустақиллик байрамини шоду хуррамлик билан ўтказишга қаратилган ташкилий, молиявий ва маданий-маърифий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди ҳамда байрамгача барпо этилиши лозим бўлган янги гузарлар, мактаб, шифохона ва бошқа ижтимоий-маданий иншоотлар рўйхатини тузди. Байрам тантаналари ўтказиладиган майдонлар, вилоят шаҳар ва туманлари марказлари, йирик корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари, ўқув юртлари ва бошқа муассасаларнинг ҳудудлари байрамона безатилади. Байрам иштирокчилари тўпланадиган жойларда саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо-ярмарканлари уюштирилади.

Жойларда ўтказиладиган байрам тадбирлари чоғида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» ҳудудий кўриқ-танлови ғолиблари, етук бадиий жамоаларнинг чиқишлари, оммавий спорт байрамлари, миллий ва анъанавий ўйинлар ташкил этилади.

Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ август ойи жойларда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинади. 14 август — шанба куни эса вилоятда умумхалқ хашарини ўтказиш режалаштирилмоқда. Ҳашардан тушган маблағнинг 50 фоизини вилоят ижтимоий ривожланиш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказиш, қолган қисмини жойларда байрам тантаналарини юксак савияда ўтказиш ҳамда аҳоли муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга сарфлаш мўлжалланмоқда. Мустақиллик байрами арафасида кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногирон ва етим-есирларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳайрия тадбирлари ўтказилади.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»ГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарорига мувофиқ шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги байрамига атаб ўтказиладиган ушбу анъанавий мусиқа байрамидан кутилган асосий мақсад шарқ мамлакатлари халқларининг ўзига хос ноёб мусиқий санъатини, унинг ютуғларини кенг тарғиб қилиш орқали жаҳонга танитиш, ўзбек миллий мусиқаси анъаналарини янада ривожлантириб, ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мусиқа воситасида мустаҳкамлашдан иборатдир.

Айни кунларда вилоят ҳокимининг шу борадаги қарорига мувофиқ маданият ишлари бошқармаси раҳбарлигида шаҳар ва туманларда халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Вилоятимиз вакилларининг ушбу мусиқа байрамида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашларига қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

«Шарқ тароналари» халқаро фестивалида иштирок этадиган вилоят бадиий жамоасини энг муносиблар ҳисобидан жамлаш учун Шарқ халқлари қўшиқлари фестивали ҳамда анъанавий миллий мусиқа ижрочилиги бўйича вилоят кўрик-танлови ўтказилади. Шунингдек, «Шарқ халқари анъанавий мусиқа санъати ва унинг истиқболлари» мавзусида учрашув ва суҳбатлар, концертлар уюштириш назарда тутилган.

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ИСТИҚЛОЛ ПОЙДЕВОРИ

ЎТАЁТГАН ҳар бир кун бизни мустақиллик байрамига якинлаштирмоқда. Бу айём ўзбек халқи тарихида унутилмас оламшумул сана сифатида муҳрланиб колади. Ҳур диёримизда тарихан киска вакт ичида мустакилликка мустаҳкам пойдевор қўйилди ва юксалиш сари ишончли одим ташланмоқда. Бунда Янгийўл мехнаткашларининг ҳам оз бўлса-да хиссалари борлиги бизни нихоятда мамнун этади.

Шаҳримиз вилоятнинг саноат марказларидан бири. Унда озиқ-овқат ва енгил саноат юксак ривожланган. Ҳозир 23та хиссадорлик жамияти, 371та хусусий, кичик корхона, ширкат фаолият кўрсатмоқда. 10 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Уларнинг тўрттаси тўла қувват билан ишламоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, давлат мустақиллигини кўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди. Зеро, ислохотлар бошланганидан буён ўтган йилларни ҳар соҳада туб бурилиш йиллари деса бўлади. Шаҳарда кейинги хўжалик йиллари якунлари Ўзбекистон ишлаб чиққан тараққиёт йўналиши, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор жиҳатлари тўғри эканини тасдиқлади ва ўз самараларини бермоқда.

Агар 1991 йилда шаҳарда 1 миллиард 797 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 3 миллиард сўмликка етди. 1998 йилда эса шаҳар саноатида ялпи маҳсулот ҳажми 7 миллиард сўмликдан зиёдроқни ташкил этди. Халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳам сезиларли даражада ўсди. «Янгийўл ёғ-мой», «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш, «Биокимё» ҳиссадорлик жамиятлари, «Ғишт — инвест» корхонаси, «Зукко» фирмаси, «Мехнат» ширкати, «Янги-Вега», «Росси СА» қўшма корхоналарида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш туфайли йил сайин юқори кўрсаткичларга эришиляпти. Янги ишлаб чиқаришлар ишга туширилмоқда. Ҳориж мамлакатлари билан мустаҳкам алоқа боғланиб, янги-янги асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар олиб келиняпти.

Ҳозирги кунда шаҳар саноати истеъмол бозорига қандолат, ун, нон, макарон, гўшт, колбаса маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, совун, ҳиит, болалар пойабзаллари, металл-пластмасса буюмлари,турли мебеллар, ғишт, китоб-журнал маҳсулотлари, тикувчилик ва трикотаж буюмлари етказиб бермоқда. Бундан ташқари, темир-бетон ашёлари, йўл қурилиши ва қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мустақиллик йилларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кўплаб турар-жойлар, жамоат бинолари, маданий-маиший иншоотлар қад кўтарди. Кўчалар, автобекатларда шарқона усулда барпо этилган савдо дуконлари, маиший хизмат, умумий овқатланиш шохобчаларининг фойдаланишга топширилиши шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди.

Мустақиллик йилларида «Наврўз» даҳасида иккита кўп қаватли уй қуриб битказилди. «Металлпластмасса» ҳиссадорлик жамияти, «Нормал» консерва ишлаб чиқариш корхоналари маблағлари ҳисобига қатор турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Марказий Самарқанд кўчаси қайта таъмирланиб, кенгайтирилди. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида диаметри 1000 мм, узунлиги 13 километр бўлган сув-оқава иншооти қурилиши ниҳоясига етказилди. «Янгилик» даҳасида якка тартибда уй-жойлар қуриш давом этяпти. 2,4 километрлик масофага диаметри 800 мм бўлган ахлат ўтказгич қувур ётқизилди.

Шаҳар маркази кўз ўнгимизда янги гўзал қиёфа касб этмоқда. Кейинги йилларда қад кўтарган «Наврўз» савдо, «Хоразммаркет» савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари, «Ҳудоберган» савдо маркази уни безади. Фавворалар ишлай бошлади. «Янгийўл куранти»нинг қад кўтариши олижаноб иш бўлди. Шаҳримизда тарихий бинолар кўп. Уларнинг аксарияти қайта таъмирланди. Аҳоли гавжум жойларда савдо-маиший хизмат мажмуалари қуришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Хўжалигимизнинг етакчи тармоғи бўлган саноатни янада ривожлантириш ҳам доимий диққат марказимизда турипти. Унинг янги соҳалари барпо этилмоқда. Масалан, кейинги йилларда янги спирт корхонаси, «Янгийўл агрофирмаси»да ароқ қуйиш, «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида ёғ қадоқлаш цехлари ишга туширилди. «Янгийўл консерва» ҳиссадорлик жамияти ҳудудида «Болалар-ҳолдинг» цехи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Шаҳримиз киши кўз ўнгида гуллаб-яшнамоқда, обод ва кўркам бўлаётир. Амалга оширилаётган бу бунёдкорлик ишлари, янгиланиш ва ўзгаришлар кўлами мустақиллик шарофатидандир.

Маълумки, Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли халқ таълими, тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар ва савобли ишларга кўл уриляпти. Шунга мувофиқ шаҳар халқ таълими, тиббиёт соҳаларида ҳам ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни бажара бориб, шаҳримизда лицейлар ва коллежлар қурилиши бошлаб юборилди. Янги ўқув йилида академик-лицей талабаларни ўз бағрига олади. Келгусида яна бир лицей қурилиши режалаштирилган.

Ўғил-қизларнинг билим олиш билан бирга касб-ҳунар эгаллашларига қаратилган ишлар ҳам боскичма-боскич амалга оширилятти. Шаҳарда ўқувчилар ижодиёти, ёш техниклар, ёш экологлар мактаблари ишлаб турипти. 3-ҳунар-техника билим юрти қошида тасвирий санъат бўлими очилди. Абу Али ибн Сино номли тиббиёт коллежи, озиқ-овқат технологияси коллежида ҳам йилига юзлаб йигит-қизлар касб эгалламоқдалар.

Шаҳар марказий шифохонасида ислоҳотлар давлат дастури асосида изчиллик билан олиб борилятти. Бу соҳада 2005 йилгача мўлжалланган режаларимиз бор. Она ва бола саломатлигини таъминлаш мақсадида туғруқхона қайта таъмирланиб, акушерлик мажмуига айлантирилди. Бу ерда 125 ўринли чўғруқ бўлими очилди ва гинекологик хизмат йўлга қўйилган. 25 ўринли кундузги стационар ишламоқда.

Марказий шифохонанинг терапия, травмотология, юқумли ичак касалликлари бўлимлари тиббиётчилари аҳолига хизмат кўрсатишни такомиллаштирмоқдалар. Реанимация бўлими барча қулайликларга эга бўлган бинога кўчирилди. Сил касалликлари бўлими қайта таъмирланиб, янгидан очилди. Шаҳарда қатор бошқа тиббиёт-даволаш шохобчалари ишлаб турипти. Уларнинг 1500дан зиёд ходимлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона ишламоқдалар.

Мустақиллик йилларида ташаббускорлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган фидойи инсонлар сони кўпайди. Шу туфайли мулкчиликнинг янги шаклари юзага келди ва ривожланмоқда. Бугунги кунда «Ғишт-инвест» корхонаси раҳбари Ўткир Маҳмудов, «Мехнат» ширкати раҳбари Аваз Қосимов, «Ҳудоберган» савдо маркази раҳбари Ҳудоберган Раҳимов, «Шуҳрат» хусусий савдо корхонаси раҳбари Шуҳрат Холмирзаев, «Зукко» фирмаси раҳбари Лазокат Қаюмова сингари тадбиркорлар тинмай изланиб, оқилона иш юритиш туфайли шаҳарни иҳтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўзларининг салмоқли улушларини қўшмоқдалар.

Биз ҳар куни шуғулланаётган яна бир соҳа маънавий ва маърифий ишлар кўламини кенгайтириш, таъсирчанлигини оширишдир. Бу ишларни аҳоли истиқомат жойларига, айниқса, маҳаллаларга кўчиришга ҳаракат қиляпмиз. 1999 йил — Аёллар йили муносабати билан маҳаллаларда «Намунали оила», «Покиза ва сариштa хонадон» кўрик-танловлари ўтказилди. Уч авлод учрашувлари, «Юз билан юзлашганлар» тадбирлари ташкил қилинди.

Хотира ва Қадрлаш кунининг эълон қилинишини янгийўлликлар зўр мамнуният билан қарши олдилар. Бу кун уруш ва мехнат фахрийлари, табаррук отахон ва онахонлар шарафландирди. Ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Уларга «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, шаҳар ногиронлар жамиятининг совғалари тақдитилди.

Мустақиллик — буюк неъмат. Истиқлол берган неъматларнинг чегараси йўқ. Мустақилликнинг қадри хеч қандай ўлчамга сиғмайди. У берган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги барча саъй-харакатларимизни янада кучайтирайлик. Янгийўлликлар ана шу олижаноб мақсад билан яшайдилар ва мехнат киладилар.

Шуҳрат ҚОРАБОЕВ,
Янгийўл шаҳар ҳокими.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» йўқламаси:

ЯНГИЙЎЛ шаҳри



● «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти қадоқлаш цехининг илғор оператори Жаҳонгир Муҳамедов.

● «Ғишт-инвест» корхонасида тайёрланаётган қурилиш материалларига талаб катта. Ишчи Мирза Қаюмов ва цех бошлиғи Шаҳан Холбоевлар ғиштларни айланма печга жойлаштиришяпти.

● «Зукко» хусусий фирмаси жамоаси ҳар сменада 6 минг дона гемотоген дармондориси ишлаб чиқармоқда. Ишчилардан Мавлуда Мирвалиева ва Муборак Абдуқодировалар тайёр маҳсулотни қутичаларга жойлаштирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Мутассадилар ўзлари ҳикоя қиладилар

ЖАМОА ҚЎЛЛАМОҚДА

БАРЧА мехнат жамоалари қатори корхонамиз ишчи-хизматчилари ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллик қутлуғ санасини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу кунларда ҳиссадорлик жамиятимизнинг барча бўлинмаларида мехнат кўтаринкилиги мавж урмоқда. Мустақиллик жамоамиз онгида, корхонамиз ишлаб чиқаришида катта ўзгаришларга олиб келди.

Ҳозир ишчи-хизматчиларимизнинг фикрлаш доираси анча кенгайди. Улар зиммаларидаги вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндошадиган, барча ишларни сидқидилдан бажарадиган бўлиб қолдилар. Айни вақтда уларда мулкка соҳиблик ҳисси ва кўникмалари шаклланмоқда.

Мустақиллик туфайли корхонамизда тадбиркорлик, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлашни йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида банкдан қарз олдик. Шу туфайли республикамиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган этил спиртини ўзлаштирдик. Бу маҳсулотни тайёрлаш учун бутун бир иншоотлар мажмуасини ишга туширдик. Унинг таркибида спирт цехидан ташқари, компрессорхона, айланма сув таъминоти қурилмаси бор. Уни ишга туширишдан корхонада экологик холат яхшиланди, оқавалар қамайиб, сув тежаладиган бўлди. Энг муҳими 75та янги ишчи ўрни барпо этилди ва 250 кишини ишга қабул қилиш мумкин бўлди.

Заводимизда импорт қилинаётган буюмларни ўрнини босадиган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар кўламини тобора кенгайтираяпмиз. Шу мақсадда бир нечта зарар кўриб ишлайдиган цехларнинг ишлаб-чиқариш йўналишлари ўзгартирилди. Уларда гуруч оқшоғидан крахмал тайёрлаш йўлга қўйилди. «Асалин» қанд шарбатини паст навли унлардан тайёрлашга мўлжалланган қурилма ўрнатилмоқда

Хорижий фирмалар билан ҳам ҳамкорлик қиляпмиз. Чунончи, Олмониянинг «МЭМ Экспорт-Импорт» фирмаси ёрдамида ароқнинг энг сара навини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришдик. Бу маҳсулотимиз жаҳон мезонлари даражасида бўлади ва асосан чет элларга сотилади.

Энг қувончлиси шундаки, ишчи-хизматчиларимиз бу ишларимизни тўғри тушунмоқда ва тўла қўллаб-қувватламоқда. Бу албатта, барча яратувчилик режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун мустаҳкам гаров бўлиб хизмат қилади.

Жалолиддин МУҲИТДИНОВ,
«Биокимё» ҳиссадорлик жамияти раиси.

«КИЧКИНТОЙ» КИЧКИНТОЙЛАРГА

КОРХОНАМИЗНИНГ шундай ном билан юритилиши бежиз эмас. Чунки, у мустақил юртимизнинг жажжи ўғил-қизларига мўлжалланган пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қурилганига сал кам ярим аср бўлиб колган фабрикамизда ишлаб чиқарилган оёк кийимлари республикамизнинг барча шаҳар ва туманларига етказиб берилмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳиссадорлик жамиятига айланган корхонамизда катта ўзгаришлар рўй берди. Янги ишлаб чиқаришлар барпо этилди. Чет эл сармоядорларини шерикчиликка жалб қилиш имкони туғилди. Биз тайёрланаётган маҳсулотларни янгилаш, уларнинг замонавий, юксак мезонларга жавоб берадиган, ёш ўғил-қизларимиз кийганда беҳад қувонадиган турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун хориждан ёрдамчи излашга киришдик.

Диёримизда чет эл инвесторлари самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар яратиб берилгани учун биргаликда ишлаш истагини билдирган фирмани топиш қийин бўлмади. Австриянинг «Вега» фирмаси раҳбарлари розилик билдиришди. Шундай қилиб «Кичкинтой» ҳиссадорлик жамиятимиз ҳузурида «Янги-Вега» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси барпо этилди.

Қўшма корхонамизга энг замонавий технология ва асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Уларни созлаш ва ишга туширишда австриялик мутахассислар ёрдам бердилар. Айни вақтда янги дастгоҳларни бошқарувчи ходимлар ўқитилди. Ҳаммаси бўлиб 320 ишчи ўрни яратилди. Корхонада ишлаш учун кўплаб янги ёш ишчи кучлари қабул қилинди.

У ҳар йили 450 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўтган йили 230 мингта бежирим пойабзал бозорга етказиб берилди. Жамоамиз жорий йилнинг ўтган ойларида ҳам юзларча минг жуфт оёқ кийимлари ишлаб чиқарди. Биз маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш йўлидаги изланишларни тинмай давом эттирамиз.

Тўхта НОРОВ,
«Кичкинтой» ҳиссадорлик жамияти раиси.

МУЛК ШАКЛИ ЎЗГАРГАЧ...

БИР ВАҚТЛАР республикамиз тармоқ саноатининг етакчи корхоналаридан ҳисобланган 8-ғишт заводлари бошқармаси 80-йиллар охирига келиб жуда оксаб колди. Ишлаб чиқаришнинг инкирози кейинчалик ҳам давом этди. Асосий сабаб мавжуд қувватларнинг эскирганлиги ва таъмирлаш зарур бўлиб колганида эди. Бунинг учун эса маблағ йўқ эди, устига-устак бошқариш тизими фаолиятида ҳам нуксонлар кўпайиб борди.

Шундай бир шароитда нима қилиш керак, қандай чора-тадбирлар кўриш лозимлиги кўндаланг бўлиб колди. Эскича бошқариш услуби билан ишни жонлаштириш анча мушкул эди. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар бошланиб, мулкчиликнинг турли шаклларига кенг йўл очиб берилганидан кейин бир тўхтамга келиш имкони туғилди. Бир гуруҳ мутахассислар ва ишчилар ўзаро маслаҳатлашиб, корхонанинг мулк шаклини ўзгартиришга қарор қилдик. Шу туфайли собиқ ғишт заводлари бошқармаси негизида масъулияти чекланган «Ғишт-инвест» ишлаб чиқариш-тижорат компанияси вужудга келди.

Албатта, номининг ўзгариши ишнинг бошланиши эди, холос. Ҳамма гап уни изга туширишда эди. Бу эса жуда мураккаб вазифа эди. Уни уддалашни ўзи бўлмади, албатта. Корхона таркибига кирган иккита айланма печь ниҳоятда эскирган бўлиб, 1931 йилдан бери ишларди. Шунинг учун маблағ ишлаб топилгач уларни таъмирлашни бошладик. 1995 йилда биринчиси, бир йилдан кейин иккинчиси қайта тикланди.

Бу ишлаб чиқариш суръатларини ва ҳажмини сезиларли оширишга олиб келди. У 1993 йилга нисбатан 128 фоизни ташкил этди. Биргина ўтган йили 24 миллион 300 минг дона пишиқ ғишт тайёрланди. Истеъмол бозорига 141,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Олинган фойда миқдори эса 25 миллион 700 минг сўмга етди. Бу ишчи-хизматчиларга тўланаётган иш ҳақини кўпайтириб бориш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун ҳам маблағ ажратишни кўпайтириш имконини берятти. Айни вақтда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янги асбоб-ускуналар сотиб олишга етарли маблағ жамғарилмоқда.

Ўз сафига уч юз ишчи-хизматчини бирлаштирган жамоамиз шу кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаб ишламоқда.

Ўткир МАҲМУДОВ,
компания директори.

«ЎТКИР»НИНГ ЎТКИРЛИГИ

Шаҳарда ўзининг ҳайрли ишлари билан эл оғзига тушган хусусий корхоналар ҳам анчагина бор. «Ўткир» фирмаси ҳам уларнинг бири ҳисобланади. Бор йўғи кичик бир объектни хусусийлаштириб олишдан иш бошлаган бу фирманинг шаҳар саноати, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўрни, мавқеи кўчайиб боряпти.

— Тадбиркорлик билан шуғулланишни 1995 йилнинг январида бошлаган эдик, — дейди фирма директори Гулчеҳра Маҳмудова. — Дастлабки хусусийлаштириб олган иншоотимиз чойхона бўлди. Ўшанда жамоамиз тўрт нафар кишидан иборат эди. Чойхонани қайта қуриб қиёфасини бутунлай ўзгартирдик. Одамлар бир пиёла чой баҳона хузур қилиб суҳбатлашишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бердик. Шунинг учун унинг пул айланаси тез ортиб борди, тузукина даромад, фойда ҳам келтирадиган бўлиб қолди.

Ишбилармон кўрилган фойдани сарфламасдан тўплаб борди. У мўмайгина бўлиб қолгач фирманинг янги тармоқларини яратишга киришди. Ташкил топган йилнинг охирларида чорвачилик фермасини хусусий мулк қилиб сотиб олди. У йилдан-йилга кенгайиб борди. Ҳозирги вақтда соғин сигирларнинг ўзи қирқ тўрттагача етди. Бундан ташқари, чўчқа ҳам боқилмоқда. Уларнинг боши 104тагача кўпайтирилди. Бу ерда етиштирилган сут «Ғишт-инвест» масъулияти чекланган жамият ишчи-хизматчиларига шартнома асосида етказиб бериляпти.

Ўтган йили фирма тармоқлари яна биттага ортди. Унинг ҳузурида нон маҳсулотларини ёпиш бўйича цех ташкил этилди. Бундан ташқари, шаҳар ҳуснини бузиб турувчи аҳлатлар ва саноат-рўзғор чиқиндиларини қайта ишлаш билан шуғулланиш йўлга қўйилди. Уларни бир жойга тўплаб, орасидан фойдалиларини — металл, полиэтилен, пластмасса ва бошқа шу кабиларни ажратиб олиб, қайта ишлаш корхонасига етказиб берила бошлади. Бу ҳам фирмага дурустгина иқтисодий фойда берятти. Яна бир ибратли ишга қўл урилди. Тикувчилик ишлаб чиқариши ҳам очилди.

Аҳолига турли хизматлар кўрсатишга мўлжалланган қатор бошқа иншоотлар ҳам барпо этилди. Жумладан, фирмага қарашли дуконлар сони тўрттага етди. Уларда асосан озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиняпти. Шаҳарнинг Муқимий маҳалласида савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуи қад кўтарди. Беруний кўчасида эса умумий овқатланиш мажмуи ишга туширилди. Уларнинг ҳаммасида янги ишчи ўринлари барпо этилди. Фирма ходимлари сони 1995 йил январидан бери 166 кишига кўпайиб, 170 нафарга борди.

— Режаларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди Г. Маҳмудова, — анча каттароқ ишни амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз. Ҳозирги вақтда пишиқ ва пардоз ғишти ишлаб чиқарувчи завод қурилишини ниҳоясига етказмоқдамиз. Бундан ташқари, шаҳарнинг деҳқон бозори яқинида автомашиналар учун тўхташ жойини барпо этяпмиз. Бу ишлар амалга оширилгач қўшимча 200 ишчи ўрин яратилади, ўшанда ишчи-хизматчиларимиз сони эса 370 нафарга етказилади. Албатта, янада янги марраларга эришиш йўлида барча куч-ғайратимиз ва имкониятлардан фойдаланамиз. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар муҳайё қилинганлиги бизни шунга руҳлантиради.

Мустақиллигимиз шарофати билан тузилиб, истиқболга ишонч билан қараётган тадбиркор аёл Гулчеҳра Маҳмудованинг раҳбарлигидаги фирма бу режалари ҳам рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

Собир МАҲМУДОВ.

ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗ шўролар истибдодидан озод бўлиб, мустақилликни қўлга киритганига саккиз йил бўлмоқда. Халқимиз ана шу тарихий санани муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўряпти. Тарих учун умрондан томчидек, бир сониядек бўлган бу муддат жонажон Ватанимиз учун мустақилликни мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишда тарихий ютуқлар даври бўлди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрни бениҳоя ошди. Бунга ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланган мустақил йўли ҳам хизмат қилмоқда ва у ҳозир ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Республикамиз, шу жумладан вилоятимиз халқ хўжалиги барча тармоқларининг чет эллар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкам йўлга қўйилмоқда ва ҳар томонлама кенгаймоқда. Бу хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу асосида илғор технология ва замонавий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Жаҳон мезонларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уларни чет элларга экспорт қилиш билан валюта ишлаш имконини бермоқда. Ҳар бир меҳнат жамоаси бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини муваффақиятли босиб ўтиш, келажаги бўлишини истаса, албатта, чет эллардан шерик топиши ва у билан ҳамкорлик мустаҳкам изга солиниши-га эришиши лозим.

Республикамиз Президенти ўзларининг қатор маърузалари ва нутқларида чет эллик шериклар билан алоқаларни кенгайтириш муҳимлигига, бу ниҳоятда долзарб вазифа эканлигига алоҳида эътибор берганликлари ҳам шундандир. Давлатимиз бошлиғи «Мен оддий бир ҳақиқатни англаб олишингизни жуда-жуда истайман: кимки, қайси корхона ўзига чет эллардан шерик топмаган бўлса, унинг келажаги йўқ... Шунинг учун чет эл сармояси иштирокида қўшма ишлаб чиқариш корхоналари тузишни ҳар томонлама рағбатлантириш» заруллигини таъкидладилар.

Шундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш учун барча имкониятлар яратиб берилятти. Шу мақсадда қатор қонунлар, Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорлари чиқарилди. Уларда чет эл сармояларини жалб қилган корхоналар, ташкилотлар учун бериладиган қўшимча имтиёзлар аниқ белгилаб қўйилган, меҳнат жамоаларининг шундай тадбирлар кўришдан манфаатдорлиги оширилмоқда. Айни вақтда хорижий сармоядорлар самарали ва фойдали фаолият кўрсатишлари, ундан манфаатдорликлари юқори бўлиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам, иқтисодиётни эркинлаштириш ишларининг бошланиши ҳам шунга ёрдам бермоқда. Қисқаси, иқтисодиётдаги ташқи фаолият бутун чоралар билан рағбатлантирилмоқда ва қўллаб-қувватланяпти.

Шу туфайли ҳам у тобора кенгайиб боряпти. Кейинги йилларда бу соҳада сезиларли ижобий силжишлар юз берди. Биз билан ҳамкорлик қилишни истовчи хорижий сармоядорлар қатори кўпаймоқда.

Бунинг натижасида вилоятимизда биргина ўтган йили ташқи савдо айланаси 774,9 миллион АҚШ доллари даражасида бўлди. Унинг ўсиш суръати олдинги йилдагига нисбатан 107,1 фоизни ташкил этди. Биздан чет элларга рангли ва қора металлар, пахта ва унинг йигирилган толаси, газламалар, кимё ва машинасозлик маҳсулотлари ҳамда бошқалар юборилятти. Айни вақтда чет эллардан энг янги технология, замонавий асбоб-ускуналар, моллар ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа ҳом ашёлар ва материаллар келтирилмоқда.

Вилоятимизда чет эл сармоялари қўйилган катта-кичик корхоналар сони мунтазам кўпаймоқда. Бу вилоят ҳокимлиги, унинг иқтисодиётни ривожлантириш билан шуғулланувчи ташкилотларининг шу соҳада изчил олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасидир. Мавжуд корхоналарни қайта қуриш, уларнинг ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан жиҳозлаш қатори чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар барпо этишга катта аҳамият билан қаралмоқда.

Жорий йилнинг бошларига келиб хорижий сармоялар билан ташкил этилган қўшма корхоналар сони 151тага етди. Уларнинг учдан икки қисмдан кўпроғи фаол ишлаб турипти. Бу корхоналарда экспортга мўлжалланган, шунингдек шу вақтгача чет эллардан келтирилаётган айрим маҳсулотлар ўрнини босадиган буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, истеъмол бозорини бойитишга қўшаётган ҳиссалари салмоғи тобора ортиб боряпти. Биргина ўтган йили қўшма корхоналар жамоалари хорижий мамлакатларга 49,5 миллион АҚШ долларилик маҳсулотларни ва турли хизматларни экспорт қилдилар. Бу эса олдинги йилдагига қараганда 12,5 миллион долларлик кўпдир.

Йилимизнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони яна 26тага ортди. Тўртта янги қўшма корхона рўйхатга олинди. Шу даврда вилоят иқтисодиётига 1,6 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги чет эл сармоялари жалб қилинди.

Чет эллик шериклар билан барпо этилган қўшма корхоналарнинг кўпчилиги Зангиота, Тошкент, Кибрай туманларида, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида жойлашган. Ўртачирчиқ туманида ишга туширилган қўшма корхоналарнинг тайёрланаётган маҳсулот ҳажмидаги улуши жуда қўшилиб бўлмоқда. Бўстонлиқ, Қибрай, Тошкент туманлари ва Чирчиқ шаҳридаги қўшма корхоналарнинг улуши ҳам ортиб бормоқда.

Вилоятимизда қатор қўшма корхоналар самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Бунга «Қобул-Тўйтепа-Текстил» қўшма корхонаси тўқимачиларининг ишини мисол қилиб келтириш мумкин. Улар ўз маҳсулотларининг катта ҳажмини хорижга сотмоқдалар. Ҳар йили чет эллик буюртмачиларга минглаб тонна калава ип ва кўплаб газлама етказиб беришяпти. Чирчиқда «Саламандра» фирмаси билан барпо этилган болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кибо» қўшма корхонаси ҳам ўз маҳсулотларини қатор мамлакатларга экспорт қиляпти. Қибрай туманидаги «Медиз» қўшма корхонаси ҳам бир маромда ишламоқда, маҳсулотининг муайян қисмини хорижий мамлакатларга жўнатяпти. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Кейинги йилларда ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида амалга оширилган ишларнинг бири Италиянинг «Фата Груп» компанияси билан йўлга қўйилаётган ҳамкорликдир. Бу компания вилоятимиз агросаноат мажмуини ривожлантиришга салмоқли ёрдам бериш истагини билдирди. Икки ўртада меморандум имзоланди. Унга мувофиқ «Фата Груп» фирмаси вилоят иқтисодиётига 57 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестицияни қўяди. Бу маблағга, асосан, сабзавот-меваларни ва сутни қайта ишлашга мўлжалланган энг яхши технологиялар харид қилинади. Шу иш юзасидан тузилган лойиҳа билан сал кам ўттизта саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари қамраб олинди. «Ўзмевасабзавотузумлойиҳа» институти ҳар бир шундай корхона учун техник-иқтисодий асослаш лойиҳасини берди. Дастурда белгиланган чора-тадбирлар амалга ошса мевалар ва узумни қайта ишловчи 4та завод ишга тушади. Уларда хорижга чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу билан вилоятнинг экспорт салоҳияти анча кучаяди.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш, қўшма корхоналарни барпо этиш, экспортга мўлжалланган, жаҳон мезонлари талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишлари осонликча бормаяпти. Унинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор. Лекин, мустақиллик туфайли бу ишлар анча енгил кўчмоқда, чунки чет эллик тадбиркорлар ва сармоядорлар билан бевосита ўзимиз алоқа ўрнатаяпмиз ва пайдо бўлаётган муаммоларни ўз кучимиз билан тез ҳал қилишга эришмоқдамиз. Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва самараси салмоқли бўлишига эришиш шу куннинг талабидир. У иқтисодий ислоҳотларнинг натижадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизни ҳеч вақт бўшаштирмаслигимиз, бу соҳада янги-янги давонларни эгаллаш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Азим РАҲМОНБЕРДИЕВ,
вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи.

ЭРТАНГИ КУН ЁРУҒ КЕЛАДИ

БИРОР ишнинг бошини тутиб, эл-юрт ташвиши билан яшаб нафақага чиққан одам, барибир, тинибтинчимайди. Нурали ака Белгибоев ҳам ана шундай инсонлардан. У умр бўйи ички ишларда хизмат қилди.

Айни кунларда эса Оққўрғон туманидаги «Гулистон» ширкатлар уюшмасида деҳқон-фермер бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Бу ишни у фарзандлари билан биргаликда бошлаган эди. Фарзандлар ўсиб-улғайиб, уйли-жойли бўлишди, уларнинг айримлари шаҳарга ишга кетишди. Деҳқончилик юмушлари эса Нурали аканинг ўзига қолди.

— Ҳеч иккиланмай меҳнат қилавер, — деб унга далда берди акаси Қаҳҳор Белгибоев, — ўзим яқиндан ёрдам бераман сенга. Маслаҳатим шуки, тезроқ ўзингнинг ҳисобингни очиб ол.

Бу таклифни ширкат уюшмаси раиси Нуриддин Мадаминов ҳам қўллаб-қувватлади. У сен ўзингни қаддингни ростлаб олгунингча техникадан, уруғликдан қарашиб турамиз, деди.

Раис айтган сўзининг уддасидан чиқди. Деҳқон-фермернинг ишлари юришгандан юришиб кетди. У ҳатто давлатдан қарз пули олишдан ҳам воз кечди.

— Хўжалик уруғ билан таъминлаб турипти. Ерларимизни шудгорлаб беряпти. Бунинг эвазига эса, биз, ширкатлар уюшмасига шартнома асосида буғдой ва сабзавот маҳсулотлари етказиб беряпмиз, — дейди Нурали ака.

Деҳқон-фермер хўжалиги ўтган йили 85 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Экин майдонлари хўжаликка 20 йил муддатга қатъий қилиб ажратиб берилганлиги одамларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлади. Экин майдонлари хўжалик аъзоларига жон боши, қобилиятига қараб бўлиб берилди. Ерга эгалик ҳисси амал қила бошлади. Шунинг учун ҳам ҳосил мўл, даромад эса мўмайгина бўла бошлади.

Бу йил 27 гектар майдонга «Фарғона-3» навли чигит экилган эди. Бир текис ундириб олинди. Айни кунларда парвариш ишлари қизғин. Адимбой Дуйсенов, Шерали Менглибоев ва Орип Субоновлар ғўзага чилла суви қўйишни давом эттирмоқдалар. Мақсад ишлов беришни сифатли ўтказиш, пахта пишиб етилгунча ҳар гектар ерда 110-115 минг тупдан ғўза сақлаб қолишдан иборатдир. Шундай қилинса, ҳар туп ғўзада камида 12-15тадан кўсак тўпланиб, етилтириб очилтирилса, ҳар гектаридан, албатта, 27 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Хўжаликда кеч кузда 20 гектар майдонга «Юна» навли буғдой уруғи экилган эди. Барвақт ундириб олинди. Вақтида озиқлантирилди.

Замонда мулкдори

Бир текис бошоқлаган ғалла майдонларининг ҳар гектаридан 30 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашмоқдалар. Режадан ташқари олинган ғалла хўжалик аъзоларига бўлиб берилади. Бўшаган майдонларга такрорий экилади.

— Тежамкорликка катта аҳамият беряпмиз, — дейди деҳқон-фермер хўжалиги ҳисобчиси Шерали Худойберганов, — Буғдойни сотишдан тушадиган пул ҳисобига ширкатлар уюшмасидаги қарзимиздан тўлиқ қутуламиз. Маошларни ўз вақтида тўлаб бориш учун ҳам маблағимиз етиб ортади. Сабаби пахтачиликдан салкам 2 миллион сўм соф даромад оламиз.

— Саҳоват ишларидан ҳам четда қолмаймиз, — дейди Нурали ака. — Хусусан, туманни ободонлаштириш ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшяпмиз. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан туман бюджетига пул ўтказдик. Ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатяпмиз.

...Фермернинг даласида бўлган киши деҳқонлар ҳақиқатан ҳам ўзларини эмин-эркин ҳис этиб, куч-ғайратларини аямай, тажриба ва маҳоратларини ишга солиб меҳнат қилаётганликлари, мўл ҳосил тўплаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Бунинг боиси битта: деҳқонларда эртанги ёруғ ва янада яхши ва фароғатли кунларга қатъий умид бор.

Пардабой ЭРГАШЕВ.

Қишлоқ ва ислоҳот

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА — ЗАМОНАВИЙ ТРАКТОРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА қишлоқ хўжалигини тўла механизациялаш имконини берадиган машиналар тизимини яратиш йўлида олиб борилаётган техник изланишлар яхши самаралар бермоқда. Пахта териш машиналари бўйича Давлат конструкторлик бюроси билан биргаликда турли русумдаги тракторларга мос техникаларни ихтиро қилиш ва уларнинг таркибини аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг натижалари ҳам салмоқли бўлаётир.

— Бу ютуқлар, шубҳасиз сабзавотчилик, картошкачилик, боғдорчилик, озуқачилик соҳаларида, фермер ва шахсий хўжаликларда экологик соф маҳсулот етиштирилишини таъминлайдиган юқори самарали технология ва техник воситалар тизимини ишлаб чиқаришга кенг йўл очиб берди, — дейди «Ўзметаллсавдо» ҳиссадорлик жамиятининг бош директори Насриддин Исломов. — Фермер хўжаликлари учун тракторларнинг намуналари ҳам юзага кела бошлади.

Кичик майдонларда деҳқончилик қилиш, ерларга ишлов бериш ва сарф-ҳаражатларни камайтиришда бундай ихчам агрегатлар жуда қўл келмоқда.

Республикамиз пойтахти Тошкентда янги бунёд этилаётган ўзбек-чехия қўшма корхонаси ҳам фермер хўжаликлари оғирини енгил қиладиган мўъжаз тракторлар яратиш билан шуғулланишни ўз зиммасига олди. Гап шундаки, апрель ойида Тошкентда «Чехия Республикаси — ишончли савдо ҳамкорингиз» деб номланган техника кўргазмаси намойиш қилинган эди. Ана шу муҳим тадбир доирасида мўъжаз тракторлар ишлаб чиқарадиган ўзбек-чехия қўшма корхонасини очиш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

«Ўзбекметаллсавдо» ҳиссадорлик жамияти, Чехиянинг Брно шаҳридаги «ВАРИ» фирмаси ҳамда Прагадаги «МЕПЕЛ» фирмаси ўзаро ҳамкорлигида бу корхона иш бошлайдиган бўлди.

Янги қўшма корхонанинг лойиҳаси умумий қиймати 500 минг доллардан иборатдир. Бунинг 40 фоизи Ўзбекистон томонидан берилади. Маблағнинг қолган қисми Брно ва чехиялик ҳамкорлар зиммасига тушади.

Янги русумли мўъжаз тракторларнинг моторлари ва энг зарур ишчи механизмлари Чехиядан олиб келинади. Агрегатларнинг осма жиҳозларини эса Ўзбекистон томони таъминлайди.

Янги русумдаги трактор қуввати тўрт ярим от кучига эга бўлади. Агрегат ёрдамида фермер хўжаликларида деярли йигирмага яқин деҳқончилик юмушлари бажарилади. Улар кам сарф-ҳаражат билан тайёрланади. Бошқариш механизмлари ўта мустаҳкам ва ҳайдаш учун жуда қулай. Шу сабабли фермер хўжаликларини янги хил агрегатлар билан тезроқ қуроллантириш чоралари кўрилмоқда.

Узоғи билан шу йилнинг сентябрь ойида мўъжаз тракторларнинг дастлабки намуналари буюртмачиларга етказиб берилади. Тракторларни йиғиш ва бут ҳолга келтириш жараёнлари тўла механизациялаштирилади.

Ўзбек-чехия қўшма корхонаси кейинчалик ўз фаолиятини янада кенгайтириб, фермер хўжаликларига кўплаб энг қулай замонавий тракторларни етказиб беради.

Акбар АЛИЕВ.

БЕКОБОД туманидаги «Хос» жамоа хўжалигида бу йил 310 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди... Режа бўйича гектаридан 42 центнердан хирмон кўтарилиши керак. Айни кунларда хўжаликда ғалла ўрими ҳал қилувчи паллага кирди. СУРАТДА: илғор комбайнчи Усмон Қўшматов ўз «Енисей»и билан.

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Ислоҳот одимлари

ДИЗАЙНЕРЛАР ИЗЛАНИШДА

АРҒИН қишлоғидаги «Ултима» ва «Ходи Арк» Ўзбек-Жанубий Корея қўшма корхонаси ошхона гарнитурлари, ишчи қўлқоплари тайёрлашга ихтисослашган. «Ултима» пойтахтимиздаги чет эл марказларидан бирига салкам 1 миллион сўмлик мебеллар тўпламини тайёрлаб бериш юзасидан буюртма қабул қилиб олди. Дизайнер хонасида ишлаб чиқариладиган мебеллар тўпламларининг янги нусҳалари ва уларнинг сифати устида изланиш ишлари олиб борилади. «Ходи-Арк» корхонаси маҳсулотларига ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда.

ЎЗ ХАРИДОРИНИ ТОПДИ

ТУРКИЯЛИК ака-ука Юсуф ва Сайфиддин Кескинлар Салор шаҳарчаси ҳудудида «Ойна-пласт» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасига асос солишди. Қисқа вақт ичида алюминийдан ишланадиган эшикромлар ўз харидорини топди. Хом ашё асосан Туркиядан келтирилмоқда. Маҳсулот жаҳон андозалари талабларига жавоб бера олади. Яқин келажакда бу ерда бўёқ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Носир ИСАЕВ, Қибрай тумани.

УЛАР КОРХОНАЛАР ҚУРИШАДИ

«КЎМИРҚУРИЛИШ» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Ангренда янги кон саноати корхоналарини барпо этиш, мавжудларини қайта қуриш ҳамда таъмирлаш бўйича ишларнинг асосий оғирлигини ўз елкасида кўтармоқда. Бинокорлар 1998 йилда ва жорий йилнинг ўтган ойларида юзларча миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Биргина «Каолин» қўшма корхонасини бунёд этишда ярим миллиард сўмликдан ортиқ маблағ ўзлаштирдилар. Кўмир конида эса жорий йил бошидан бери белгиланганидан бирмунча кўп — 40 миллион сўмлик ишларни бажардилар.

Самарали меҳнат натижасида қурувчиларнинг ўзлари моддий манфаат кўрмоқдалар. Ўтган йил якунлари бўйича ҳар бир акцияга 43 сўмдан дивиденд тўланди. Биринчи чорақда эса бу кўрсаткичнинг анча юқори бўлиши кутилмоқда. Жамиятда қимматбаҳо ёқилғи ўрнига газдан фойдаланишнинг кенгайиб бориши анчагина маблағни тежаш имконини бермоқда. Ҳозирги кунда транспорт воситаларининг 70 фоизи шундай арзон ёқилғи билан ишлаяпти. Бундай ёқилғи таъминотида узилишлар бўлмаяпти. У экологик тозалиги билан ҳам эътиборга лойиқдир. Техника воситаларини газ асосида ишлашга ўтказиш давом этмоқда. «Шўртангаз» корхонаси билан тузилган шартнома бўйича жамиятда газ қуйиш пункти очилди. Натижада йил охиригача барча транспорт воситалари арзон ёқилғи билан ишлайдиган бўлади.

И. МУНАВВАРОВА.

ДАЛАДА... ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ

ЧИНОЗ туман ҳокимлиги ёзнинг иссиқ кунларида бевосита далада меҳнат қилаётган деҳқонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

ТАНИҚЛИ сўз устаси, халқнинг севимли қизиқчиларидан бирига айланган Мирзабек Холметов бошлиқ бир гуруҳ санъаткорлар 4-5 кун давомида туман хўжаликлари, ташкилот ва муассасаларида бўлишиб, дала меҳнаткашларининг ишдан сўнг мазмунли дам олишлари учун хизмат қилдилар. «Чиноз», Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари ҳамда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида намойиш этилган қизиқарли концерт дастурлари дала меҳнаткашларига манзур бўлди. Санъаткорларнинг ҳар бир чиқишлари томошабинлар томонидан қизғин олқишланди.

Самад САРИМСОҚОВ.

ТАШХИС МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

АНГРЕНДА тиббиёт муассасалари тармоғи кенгайиб бормоқда. Яқинда бу ерда ташхис маркази ишга туширилди. Ҳусусий стоматология шифохонаси ҳузурида очилган бу муассаса ҳозирча вилоятимизда ягона ҳисобланади.

Унда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, жумладан, компьютерлар ўрнатилган. Марказнинг тажрибали шифокорлари беморларга хизмат кўрсатишга киришдилар. Улар турли касалликларни бошланиш давридаёқ аниқлаб беришяпти. Бу билан даволаш жараёни тўғри олиб борилиши ва самарали бўлишига кўмаклашмоқдалар.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар • одамлар • воқеалар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ рафиқаси Хиллари Клинтон хонимнинг Марокашга қилган сафари ниҳоясига етди.

• ТУРКИЯ бош вазири Бюлент Эжавит «катта саккизлик» давлатларининг Кипр муаммоси юзасидан музокаралар жараёнини тиклаш борасидаги даъватига қарши эканлиги хусусида баёнот берди.

• ФРАНЦИЯНИНГ «Эйр франс» ҳамда АҚШнинг «Дельта Эйрлайнз» авиакомпаниялари ўртасида стратегик иттифоқ тўғрисидаги битим имзоланди.

• ЖАНУБИЙ Кореянинг атроф-муҳитни ҳимоя этиш вазири Сон Сук истеъфога чиқарилди. У бор-йўғи бир ой олдин шу лавозимга тайинланган эди. С.Сук катта миқдорда пора олишликда айбланмоқда.

• ИНДОНЕЗИЯНИНГ Сурабай шаҳрида ёшларнинг навбатдаги норозилик намойиши бўлиб ўтди. Талабалар ҳибсда ётган сафдошларининг озод этилишини талаб қилмоқдалар.

• ПАНАМА мамлакати Марказий Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси минтақасидаги энг йирик — 60 гектар майдонни эгаллайдиган савдо маркази қуришга киришди.

ҲАМКОРЛИКДА МАСОФА ЧЎТ ЭМАС

СЕРҚУЁШ Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳамкорликда масофа чўт эмас, деганларидек, республикамиз билан бўладиган алоқаларни янги поғонага кўтариш мақсадида ер куррасининг энг узоқ жойларидаги давлатлар ҳам, яқин ҳориждаги мамлакатлар ҳам бир хил яхши истак билдирмоқдалар.

Яқинда Канаданинг Оттава шаҳрида бўлиб ўтган анжуман ҳам Ўзбекистон-Канада ҳамкорлигининг ёрқин истиқболлари борлигини намойиш этди. Канада ташқи ишлар вазирлигидаги йиғинда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти ва унинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш учун тобора фаол интилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Расмий Оттава Ўзбекистон билан мунтазам сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ва барча соҳаларда муносабатларни тобора ривожлантириш ҳоҳишида эканлигини билдирди. Канада ҳукумати асосий эътиборни тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ҳамда наркобизнесга қарши кураш масалаларидаги ўзаро ҳамкорликка қаратмоқда.

Ўзбекистон ва жаҳон

Канада сиёсатчилари, расмий арбоблари, ишбилармонлари савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожидан ҳар икки томон ҳам катта наф кўражаклигини биладилар. Шу боис турли учрашувларда иштирок этган турли соҳа кишилари парламентларо алоқалар ва инсонпарварлик соҳаларида бордикелдиларни намунали йўлга қўйишга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Канада ҳукуматлари ўртасида дастлабки расмий ҳужжат — икки ёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланганлиги катта умидворлик туйғуларини уйғотди. Ҳужжатни Канада томонидан Канада ташқи ишлар вазирининг парламент котиби Ж.Рид, Ўзбекистон томондан эса Ўзбекистон Республикасининг АҚШ ва Канададаги Фавкулодда ва Мухтор элчиси С.Сафоев имзоладилар.

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

28 ИЮНЬ Украина Республикаси тарихида миллий байрам — Конституция куни сифатида кенг нишонланади. Чунки, 1996 йилнинг 28 июнида мамлакат парламенти томонидан Украинанинг янги конституцияси тасдиқланган эди. Шу муносабат билан мазкур мамлакатнинг республикамиздаги элчихонасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Мулоқотда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметанин Украина Асосий Қонунининг қабул қилиниш тарихи, унинг давлатчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида гапириб берди. Шунингдек, элчи ўзининг Ўзбекистонда якунланаётган фаолияти хусусида тўхталди. Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, техникавий, илмий, маданий алоқалар ривож топганидан мамнуний изҳор этилди. Йиғинда иштирок этган турли соҳа вакиллари ҳам ўзаро манфаатли алоқалар бундан кейин янада самарали бўлишига умид билдирдилар.

БУДАПЕШТ ХУЛОСАЛАРИ

ЯҚИНДА Венгрия пойтахтида НАТОнинг Х конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур йиғинда дунёнинг ўттизга яқин давлатидан келган сиёсатчилар ҳамда ҳарбий мутахассислар иштирок этдилар. Конференция, асосан, Шимолий Атлантика уюшмасининг Югославияга қарши операцияси якунларини таҳлил қилди ва Болқон минтақасининг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётини тиклаш билан боғлиқ кенг қамровли масалаларни муҳокама қилди.

Анжуманда иштирок этган НАТО бош котиби Хавьер Солананинг айтишича, Югославия операциясининг муваффақиятли якунлангани альянс аъзоларининг яқдил эканлигини яна бир бор исботлади. Бош котибнинг фикрига қараганда, Косово можароси натижасида келиб чиққан турли муаммоларни ҳал қилиш, издан чиққан иқтисодиётни, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ечиш бутун Оврупо қитъаси учун нафақат катта сабоқ, балки, оғир имтиҳондир.

ЕР ОҒУШИДА «АЖАЛ УРУҒЛАРИ»

ЖАҲОНДАГИ тинчликсевар афкор оммани, қатор давлатларнинг раҳбарларини, халқаро маҳкамаларни, ҳарбий мутахассисларни анчадан буён пиёдаларга қарши қўлланиладиган миналардан фойдаланмаслик ва уларни зарарсизлантириш муаммоси катта ташвишга солиб келмоқда. Зотан, ер қаъридаги «ажал уруғлари» нафақат ҳарбийларга, балки, оддий аҳолига ҳам катта хавф туғдиряпти. Масалан, ер юзида ҳар ўн дақиқада беш нафар одам мина портлашидан ҳалок бўлмоқда ёхуд жароҳат олмоқда. Ҳар ойда эса 800 киши қурбон бўляпти ва 12 минг киши ногирон бўлиб қолаётир. Буларнинг 80 фоизи тинч аҳоли вакиллари бўлиб, кўпчилигини болалар ташкил этади.

Пиёдаларга қарши ишлатиладиган миналарни қўллаш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқловчи халқаро конвенция 1997 йилда Канада пойтахти Оттавада қабул қилинган эди. Шу муносабат билан чақирилган анжуманда 50 мамлакат ва қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган эди. Яна бир қанча давлат одамлари унда кузатувчи сифатида қатнашдилар. 1997 йилнинг 3 декабрида мазкур конвенцияни имзолаш чоғида унга биринчи бўлиб Канада, Норвегия ва Жанубий Африка Республикаси имзо чекдилар. 1999 йилнинг 1 мартида эса Буркина — Фасо парламенти ушбу ҳужжатни 40-давлат сифатида ратификация қилганидан сўнг у тўлиқ кучга кирди. Ҳозирги пайтга келиб, мазкур шартномани 130дан ортиқ давлат имзолади ва 77 мамлакат ратификация қилди.

Шу кунларда ер юзидаги 70 мамлакат ҳудудида уруш ва элатлараро можаролар пайтида ўрнатилган 110 миллион донадан кўпроқ «ажал уруғи» ўз қурбонларини кутиб ётипти. Ер оғушидаги миналарни зарарсизлантириш дастурини амалга ошириш учун эса жуда катта маблағ — 150 миллиард доллар талаб этилади. Уруш ва этник можаролар бартараф этилган мамлакатлар ҳудудини миналардан тозалаш муаммоси айни пайтда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, бундай тадбирларни амалга ошириш учун уларнинг ўз маблағи ҳам, мутахассислари ҳам йўқ. Бу ишнинг уддасидан фақат мутараққий мамлакатларгина чиқиши мумкин.

ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

• НЕЧА АСРЛАР ўтибдики, Ҳиндистон халқи табиатнинг июнь ойларига тўғри келадиган турли фалокатларидан доимо азоб чекиб келади. Жумладан, «Муссон ёмғири» деб аталадиган фалокат ҳам ана шундай балолар манбаидир. Жумладан, Керала штатида шу йил июнь ойи давомида юз берган сув тошқинлари туфайли ўттиздан ортиқ фуқаро нобуд бўлди, элликка яқин киши эса жароҳатланди. Энг ёмони икки мингдан ортиқ қишлоқни сув босди. Минглаб гектар экин майдонлари сув остида қолди. Айни пайтда 17 мингдан ортиқ оила тошқиндан йироқ бўлган ҳудудларга кўчирилди.

• АМЕРИКА Қўшма Штатларида ҳам Одесса деган шаҳар бор. Моника Барк деб аталган хоним ўша ерда яшарди... 1953 йилда бетон тахтаси унинг бошига тушиб кетди. Ҳушсиз хонимни шифохонага келтирдилар. Жарроҳлар лат еган миянинг 30 фоизини олиб ташлашга мажбур бўлдилар.

Бироқ, М. Барк ақли-ҳуши жойидалигича қолди. Ундан кейинги ўтган йиллар мобайнида у бирон марта ҳам касал бўлмади. Орадан қирқ йил кечди. Буни қарангки, Моникаларнинг уйи устига яқинда самолёт қулаб тушди. Оқибатда М.Барк оламдан бевақт кўз юмди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ)

Ибн Сино ўгитлари

ҲАР ДАРДНИНГ МАЛҲАМИ БОР...

➡ ОТ ЁҒИ (агар у қанча кўп сақланган бўлса шунча яхши) бўғинлар оғриганда суртиб ётилса катта фойда беради. Шунингдек, у тиришиш, фалаж касалликларига даво сифатида қўлланилади.

➡ МЎМИЁ жуда кўп касалликларга даво. Айниқса, тутқаноқ, бош айланиши, қовуқдаги яраларни тузатишда кони фойда.

➡ СУТНИ шакар билан ичсангиз юзингизнинг ранги тозаланади. Айниқса аёллар бу нарсага эътибор берганлари маъқул. Чунки сут — ҳам қувват, ҳам гўзаллик.

➡ ШОЛҒОМНИ қовуриб ёки қайнатиб еб туриш кўзни ўткир қилади.

➡ АНОР пўстлоғи, меваси ва мева пўсти қўтир, йўтал, ич буруғ, сариқ касалликларида, тишни мустаҳкамлашда, теридаги турли яраларни даволашда ишлатилади.

➡ ЛИМОННИНГ меваси ва баргидан тайёрланган дамлама қон босими кўтарилган ҳолларда яхши фойда беради. Шунингдек қанд касали билан оғриганлар ҳам уни фойдали ва безарар дори сифатида истеъмол қилиб турганлари маъқул.

➡ ОЛМАНИ камқонлик дардига мубтало бўлганлар кўпроқ есинлар. Сурункали бод, томоқ бўғилишида ҳам олма яхши наф беради.

➡ ЛОВИЯНИ ун қилиб туйгач, куйган жойларга сепилса даво бўлади.

➡ ҚОВОҚДАН тайёрланган қайнатма кўкрак оғриганда, қуруқ йўтал пайдо бўлганда яхши ёрдам қилади.

Ҳа, биз деярли ҳар куни ишлатадиган озиқ-овқат ёки маҳсулотлари, сабзавотлар ҳамиша кўз ўнгимизда бўлса ҳам унчалик аҳамият бермайдиган табиат гиёҳлари, ўт-ўланлар қайси жиҳати биландир бирор дардга малҳамдир. Ҳамма гап — уларнинг хусусиятларини ажрата олиш, қачон ва қандай истеъмол қилишни билишда қолган холос. Улуғ аждодимиз Ибн Сино айтганларидек, табиатнинг ўзи табибдир.

Зарифа ЭРАЛИЕВА тайёрлади.

«ҚЎРҒОН» СОҚЧИЛАРИ

Дилкаш суҳбатлар

Ибратли оила ҳақида гап кетганида Шавкат Аҳмедовнинг хонадонини биринчи бўлиб тилга оладилар. Чунки оилада уч ўғил, икки қиз, уч келин, икки куёв ва саккиз набира пири-бадавлат, аҳил яшашади. Бу оиланинг яна бир ўзига хос томони бор: бу хонадонни шифокорлар, тўғрироғи, тиш дўхтирлари оиласи ҳам дейишади. Одатда, биз кўпроқ терапевт, жаррох сингари малакага эга бўлган дўхтирлар ҳақида ёзамиз. Вахоланки, тиш шифокорларининг иши ва масъулияти ҳам улардан кам эмас. Оила бошлиғи Шавкат Аҳмедов билан суҳбатимиз айнан шу мавзудан бошланди.

— Шавкат ака, мана ўттиз беш йилдан бери тиш жарроҳи сифатида кўпчиликнинг дардига малҳам бўлиб келасиз. Шу касбни нега танлагансиз?

— Ўрта мактабда ўқиб юрганимда яхши кўрган фаним анатомия ва биология эди. Фақат дарслик билан қаноатланиб қолмай, қўшимча адабиётлардан ҳам фойдаланар эдим. Фармакология кафедрасида ишлаб, талабаларга сабоқ берган раҳматли Муҳаммаджон акамнинг ҳам таъсирлари бўлса керак.

— Фарзандларингиздан иккита қизингиз ҳам сизнинг касбингизни танлашибди...

— Ота-онаси шифокор оилада тарбияланган, касаллик ва унинг шифоси ҳақидаги суҳбатларнинг кўпига гувоҳ бўлган фарзандларда бу касбга нисбатан қизиқиш уйғониши табиий...

— Тиш хасталиклари борасида тажрибали шифокорсиз. Биз одатда танамиздаги бирон аъзомиз сал оғриса, дарҳол дўхтирга чопиб борамиз. Лекин тишимиз шишиб кетса ҳам кўпинча парво қилмаймиз. Айтинг-чи, тишни ўз вақтида даволатмаслик қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкин?

— Жуда тўғри айтдингиз. Кўпчилик тишга нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлади. Вахоланки, тиш ҳам танамизнинг тенг ҳуқуқли, энг зарур аъзоларидан бири. Масалан, тишнинг ўз вақтида даволанмаслиги оқибатида киши юрак хасталиги, бўғин хасталиги (ревматизм) ва ангина билан оғриши мумкин. Шунинг учун ҳар куни икки марта яхши паста билан тишни ювиш лозим. Тиш қуртлаши билан оғриқ пайдо бўлишини кутиб ўтирмай, шифокорга мурожаат қилиш керак. Аксарият одамлар тишлари қуртлаб, уваланиб кетгунча юраверишади. Бу ҳолда тишни олиб ташлашдан бошқа илож қолмайди. Тишни суғуриб ташлаш — охирги чора. Киши вужуди бир кўрғон бўлса, соғлом, садафдек пок тишлар унинг посбонидир.

— Республикамиз мустақил бўлгандан кейин соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар бошланди. Бу сизнинг фаолиятингизга, хусусан, сизлар ишлатадиган аппаратларга ва қўлланиладиган дори-дармонларга қандай ижобий таъсир кўрсатди?

— Жуда катта! Аввало биз хорижликлар билан ҳамкорликни кенгайтирдик. Илғор тажрибаларни ўргандик. Тиш ва тиш хасталикларини даволовчи энг замонавий, қулай ускуналар сотиб олинди, янги дори-дармонлар келтирилди.

— Кечирасизу, тиш шифокорлари орасида ҳам кейинги пайтда ўз манфаатини юқори қўядиган инсонлар кўпайиб кетди. Арзимаган муолажа учун фалон сўм берасиз, дейдиганлар ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳикмат деб аталган чинор дарахтининг илдизларида одамгарчилик, инсонийлик, яхшилик, мурувват, оқибат, шафқат, ҳурмат ва олижаноблик каби эзгу фазилатлар ётади. Унинг томирларида эса меҳр-муҳаббат, эзгулик ва садоқат каби туйғулар оқади. Нопок йўл билан топилган маблағ орқали рўзғор тебратиб, бола-чақа боқилса, унинг фарзандларида салбий хусусиятларнинг бўлиши табиийдир. Тўғри, тиш муолажаси учун ишлатиладиган дори-дармонлар, ускуналар бироз қимматроқ. Лекин бу деган гап уни истаган нархда пуллаш ёки даволаш мумкин дегани эмас, ҳамма нарсада оддий меъёрий қонун ва талаб бор. Қолаверса, юқорида айтганимиздек, бундай кишилар ўзларини хатти-ҳаракатларининг кейинги оқибатини ўйласалар ёмон бўлмасди. Ҳар ҳолда орамиздан инсоф, диёнат кўтарилмаса дейман...

— Гап тарбия, одоб-ахлоққа келиб тақалди. Дарҳақиқат, фарзандлар тарбиясида эр-хотиннинг аҳиллиги, иноқлиги ва тотувлиги ҳам муҳим омил ҳисобланади. Сизларнинг оилада ўзаро муносабатингиз қандай?

— Муқаддамхон билан турмуш қурганимиздан бери ўтган йиллар мобайнида уриш-жанжал у ёқда турсин, бирор жиддий келишмовчилик ҳам бўлганини эслай олмайман. Эр ҳурматини ўрнига қўйишда аксарият ўзбек хотин-қизларига хос бўлган ажойиб ҳислатлар бор. Ишдан уйга қайтиб, кийимларимни алмаштиргунимча хонтахтада бир чойнак аччиқ ва иссиқ чой тайёр бўлади. Шу вақтга қадар «адаси, чой ичасизми?» деган саволни берган эмас. Фарзандларга нисбатан қаттиққўл ва талабчан. Умуман, фарзандлари ростгўй ва яхши ҳислатларга эга бўлишни истаган ота-онага хос фазилатлардан муҳими — уларнинг иши билан сўзининг бирлигида деб ўйлайман.

— Иш фаолиятингизда қизиқ воқеалар содир бўлганми?

— Аввало, латифанамо гап. Бемор чамаси тишни кавлатишга юраги дов бермаган чоғи, ҳузуримга кириши билан «оҳ-вох» қилмай қўйди. Кейин муолажага киришдик. То тишини кўриб бўлгунимча миқ этмади. Кейин билсам, чап лунжидаги «касал» тиши қолиб, ўнг лунжидаги соғ тишни менга рўпара қилган экан.

Яқинда забардаст бир йигит эшикдан «ихраб-сихраб» кириб келди. Текшириб кўрсам, тишни олиб ташлашдан бошқа илож йўқ. Лидокаиндан укол қилиб, дори ўз таъсирини ўтказгунича нариги хонага чиқиб кетдим. Беш дақиқалардан кейин қайтиб кирсам, оромкурсида ўтирган бемор йўқ. Оғриқ қолгани учун тиш олдиришдан қўрққан «азамат» жуфтакни ростлаб қолибди.

— «Тошкент ҳақиқати» муштарийларига тилакларингиз...

— Халқимизда «Соғлом тиш — ярим давлат» деган ибора бор. Инсоннинг чиройи, гўзаллиги ҳам тиш билан боғлиқ. Инсон саломатлигининг жойида бўлиши учун ҳам тишнинг хизмати катта. Саломатлик туман бойлик. Одамлар шахсий гигиенага қанчалик яхши амал қилишса, шифокорга шунчалик кам «ишлари тушади». «Тошкент ҳақиқати» муштарийлари ҳам доимо саломат бўлсинлар, тишлари садафдек терилиб, ўзлари соғлиқларидан керилиб юришсин.

Суҳбатдош: Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

ДАН бурчаги

ХАВФСИЗЛИКНИ САҚЛАШ — УМУМИЙ ИШИМИЗ

ВИЛОЯТИМИЗ ғаллакорлари етиштирган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш мавсуми авж паллага кирди. Бу муҳим ишни амалга оширишда ғаллакорларимизга вилоят Ички ишлар бошқармасининг ДАН ходимлари ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Мавсумни тез кунларда беталафот ўтказиш мақсадида вилоят Давлат автомобил назорати бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари томонидан «Ҳосил-99» тадбири режалари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда ушбу режа асосида иш олиб борилиб, қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларини мавсумга тайёргарлигига масъул идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида махсус текширувлар ўтказилди.

Текширувлар натижасида вилоят бўйича мавсумга жалб этилган 651та дон ўриш комбайнларидан 178таси ёки 72,7 фоизи техник жиҳатдан мавсумга тайёр эмаслиги аниқланди. Айниқса, 78та қимматбаҳо «Кейс» комбайнларидан 3таси носозлиги кишини ранжитади. Бекобод туманида 77та дон ўриш комбайнларидан 41таси, Қуйичирчиқ туманида 87тадан 38таси, Бўка туманида 60та комбайндан 18таси мавсумга тайёр эмаслиги аниқланди. Худди шундай аҳволни Чиноз, Ўртачирчиқ туманларида ҳам учратиш мумкин.

Ғалла ҳосилини омборхоналарга ташиш учун 251та автоулов ажратилган бўлиб, шундан 30таси катта ҳажмдаги ярим тиркамали автомашинларни ташкил этади. Албатта, юқорида келтирилган рақамлардан шу нарса маълумки, қишлоқ хўжалиги тракторлари ва донни ташишга ажратилган автомашиналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш, улар ҳаракатини ташкил этиш, кишилар хавфсизлигини таъминлаш вилоят Давлат автомобил назорати бошқармаси ходимлари зиммасига юклатилган. Улар бу вазифани сидқидилдан адо этишлари учун вилоят ДАН бошқармасининг 124 нафар тажрибали ходимлари ва 22та хизмат автомашиналари ажратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўрим мавсумини самарали ва сифатли ўтказиш нафақат ғаллакорлар ва бу тадбирга жалб этилганлар, балки, вилоятимизда истиқомат қилувчи барча кишиларга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Ғалла далаларида ва унинг атрофидаги автомобил йўлларида бўладиган салбий ҳолатларга бефарқ қарамаслик, бундай ҳолатлар ҳақида тегишли идораларга ўз вақтида маълумот бериш содир бўладиган бахтсизликларнинг олдини олиши шубҳасиздир.

Абдужаббор ЭРМАТОВ, вилоят ИИБ ДАНБ нозири, милиция капитани.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 30 июнь-4 июль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади. Ҳаво ҳарорати кечалари 20-25, кундуз кунлари эса 36-41 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 63-ўрта мактаб томонидан 1985 йилда Париков Шукрулла Хуршидович номига берилган Г нои № 731416 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ



СПОРТНИНГ тури кўп. Шулардан бири — кураш. Аммо унинг ҳам ўзига яраша турлари бор. Ана шу турли-туман кураш майдонларида ном қозонганларни каратэчи, дзюдочи, самбочи, классик курашчи, эркин курашчи каби кўпгина номлар билан атаймиз. Бироқ курашнинг шундай бир тури борки, бу соҳада ном қозонганларни «полвон» деб эъзозлаймиз. Булар фарғонача миллий кураш усталаридир.

ПСКЕНТДАН ЧИҚҚАН ПОЛВОНЗОДА

ФАРҒОНАЧА усул — энг кўҳна ва айниқса, ўзбекона кураш тури. Бошқа турларда чаққонлик, абжирлик, усулларни қўллай билиш маҳорати биринчи ўринда турса, фарғонача кураш чоғида жисмоний куч ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқа кураш турларидан фарқли ўлароқ бу усулда беллашувчиларни мухлислар полвон дея аташларининг боиси шунда.

Аммо, эътироф этиш керакки, полвон номини олишнинг ўзи бўлмайди. Зеро, курашчилар кўп, полвонлар эса оз. Полвон бўлиш учун эса энг йирик, энг нуфузли давраларда, республика ва халқаро мусобақаларда номдор полвонлар билан тенгма-тенг беллаша олиш, улардан кўпчилигининг курагини ерга текказиш керак бўлади. Пскентлик Олимбек Файзуллаев ана шундай полвонлардан.

Курашнинг бошқа мусобақалардан кескин фарқ қиладиган яна бир ўзига хос жиҳати шуки, кўпгина оилаларда ўғил бола эндигина атак-чечак қилиши билан «бел олишишга» ўргатила бошланади. Олимбек ҳам оёққа туриши биланоқ белига белбоғ боғлаган бўз болалардан, десак муболаға бўлмайди. У полвонлар оиласида туғилиб вояга етган. Отаси Рихсибек Файзуллаев республика мусобақаларида кураги ер искамаган полвонлардан. Сўзимизнинг аввалида Олимбекка «полвонзода» дея таъриф берганимизнинг боиси шунда.

Болаликдан бел олишиб ўсган Олимбек 1981 йилга келиб, яъни 12 ёшга тўлганидан сўнг ота изидан бориб, фарғонача кураш усули билан жиддий шуғулланишга киришди. Ўшандан буён полвон сифати жуда кўп каттакичик майдон кўрди. Бирида енгди, баъзида енгилди ҳам. Ўзининг айтишича, 1986 йилдан бошлаб расмий мусобақаларда иштирок этиб келмоқда. Шундан 100та энг йирик беллашувда ғиламга чиққан бўлса, 80тасида ғолиблик нашидасини сурди.

Биз одатдагидек, Олимбекка анъанавий савол бердик.

— Ўзингизга энг маъқул бўлган, бир умр ёдингиздан чиқмайдиган беллашув қачон, қаерда бўлган?

— Бу саволингизни ҳозирча очиқ қолдирсак маъқул бўлармиди, — дея сўз бошлади. Олимбек. — Негаки, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан миллий курашимиз бутунлай қайта тикланяпти. Ҳукуматимиз уни ҳатто, жаҳон миқёсига олиб чиқиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Бинобарин, биз полвонлар учун белни янада маҳкамроқ боғлайдиган давр энди келди...

Полвон ҳақ гапни айтди. Ўтган йилнинг кузида «Халқаро кураш ассоциацияси» ташкил этилди. Сўнгра республика Президентининг «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Жаҳон спорт луғатида «Ўзбек кураши» ибораси пайдо бўлди. Бевосита Юртбошимизнинг ташаббуси билан кураш бўйича қатор халқаро турнирлар ўтказилди.

Пскентлик полвон шуларни назарда тутяпти. Демак, нафақат ўзининг бўлажак халқаро мусобақаларда ғалаба қозониши, балки ўзбек миллий курашнинг равнақига умид боғламоқда. Бу умид, бу ниятнинг рўёбга чиқиши шубҳасиз. Зеро, халқ севган спорт турининг умри боқий бўлади. Демак, миллий курашимиз ҳам, эл севган полвонларимизнинг номлари ҳам жаҳон узра таралаверади.

Самад ЙЎЛДОШ.

Сидней 2000

«СИДНЕЙ-2000»ГА ҚОЗОҒИСТОН БОРАДИ

АВСТРАЛИЯНИНГ Сидней шаҳрида 2000 йилда ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари таркибидаги футбол турнирида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритиш мақсадида Осиё мамлакатлари жамоалари тўққиз гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларни давом эттирмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН терма жамоаси қатнашаётган бешинчи гуруҳда икки муҳим учрашув ўтказилди. Душанбе шаҳрида вакилларимиз майдон эгаларига қарши тўп сурдилар. Ўйиннинг бошиданоқ ҳар икки жамоа ҳам майдонда яхши ҳаракат қила олмади. Бунинг устига Баҳрайндан келган ҳакам Иброҳим Абдулҳамид ўттиз бешинчи дақиқада ҳимоячимиз Виталий Почуевни қўпол ҳаракат қилганлиги учун майдондан четлатди. Биринчи бўлимда дарвозалар даҳлсизлиги сақлаб қолинди.

Ўйиннинг иккинчи бўлими меҳмонлар ҳужуми билан бошланди. Эллик олтинчи дақиқада майдон эгалари дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Бу тўп муаллифи Владимир Баранов бўлди. Ўйинчиларимиз майдонда ўн киши бўлиб ҳаракат қилсалар ҳам ташаббусни ўз қўлларида сақлаб турдилар. Ниҳоят, етмиш тўққизинчи дақиқада Андрей Акопянц иккинчи тўпни киритди. Ўзбекистон 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва тўплаган очколари сонини 13тага етказди. Лекин, бу ғалаба ўзбекистонлик футбол ишқибозларига қувонч бахш эта олмади. Чунки, шу куни бешинчи гуруҳда бўлиб ўтган Қирғизистон — Қозоғистон жамоалари учрашувларида майдон эгаларининг рақиблар дарвозасига киритган икки тўпига меҳмонлар уч тўп билан жавоб бердилар ва 17 очко билан биринчи ўринга чиқиб олдилар. Энди Сиднейда бўладиган олимпиада турнирида қозоғистонликлар бешинчи гуруҳ ғолиби сифатида иштирок этадилар.

Шу кунгача тўққизинчи гуруҳдаги баҳсларнинг олтитасида ғолиб жамоалар аниқланди. Катар, Қувайт, Жанубий Корея, Баҳрайн, Хитой ва Қозоғистон жамоалари Сиднейга борадиган бўлдилар. Бошқа гуруҳларда мусобақалар давом этмоқда.

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларида навбатдаги учинчи босқич ўйинлари ўтказилди. Чемпионат пешқадами — вилоятимиз вакили «Дўстлик» жамоаси Қувада майдон эгаларига қарши тўп сурди. Қизиқарли ўтган учрашув 3:2 ҳисобида «Дўстлик»нинг ғалабаси билан якунланди. Биринчи табақада қатнашаётган вилоятимизнинг яна бир жамоаси — «Ғазалкент» «Нефтчи»га 5:0 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Шу табақада пешқадамлик қилаётган Ангреннинг «Семурғ» жамоаси олий табақа вакили «Зарафшон»ни қабул қилиб, 3:0 ҳисобида устун келди ва мусобақаларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Чорак финалда «Дўстлик», «Пахтакор», «Суғдиёна», «Навбаҳор», «Нефтчи», «Насаф», «Самарқанд» жамоалари билан бирга биринчи табақа вакили «Семурғ» жамоаси кубок баҳсларини давом эттиради.

Талъат ЮСУПОВ.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УЛГУРЖИ САВДО ВИНО-АРОҚ БАЗАСИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

республикамизда ишлаб чиқарилган сифати кафолатланган

ВИНО-АРОҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИ

чекланмаган миқдорда

СОТАДИ.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, «Янги ҳаёт» қўрғони, «Тошкент йўли» кўчаси, 10-уй. Телефон: 46-486 (8-276).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир ўринбосари **Раҳимберди УМАРОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0443. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6